



XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «6» июль

VI-30-20-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши депутатларини маънавий ва моддий рағбатлантириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларини маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимини жорий этиш ҳақида” 2017 йил 25 декабрдаги КҚ-278-III-сон қарорига асосан халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашида “Адолатли депутат”, “Халқпарвар депутат”, “Меҳнаткаш депутат” ҳамда “Фахрий депутат” мақомлари таъсис этилганлиги муносабати билан халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссияси таклифларини инобатга олиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши **қарор қилади:**

1. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг “Адолатли депутат”, “Халқпарвар депутат”, “Меҳнаткаш депутат” ҳамда “Фахрий депутат” мақомларига номзодларни танлаб олиш ва тавсия этиш бўйича тегишли комиссияси ҳамда Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссиясининг 2021 йил 7 июндаги қарорлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Адолатли депутат”, “Халқпарвар депутат”, “Меҳнаткаш депутат” ҳамда “Фахрий депутат” мақомларига эга номзодларга бериладиган сертификатлар шакллари 1-4 иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан “Адолатли депутат”, “Халқпарвар депутат”, “Меҳнаткаш депутат” ҳамда “Фахрий депутат” мақомлари қуйидаги номзодларга берилсин;

“Адолатли депутат” вилоят Кенгаши депутати Ахмедов Абдукарим Абдурахмонович;

“Халқпарвар депутат” вилоят Кенгаши депутати Шайдуллаев Шопўлат Бозорович;

“Меҳнаткаш депутат” вилоят Кенгаши депутати Холлиева Шохида Бойматовна;

“Фахрий депутат” вилоят Кенгаши собиқ депутатлари Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич, Рахимова Райхон Абдурасуловна ва Бобоев Ахмеджон Боевич.

4. Юқоридаги мақомлар берилган депутатларга сертификат ва эсдалик совғалари берилсин ҳамда улар ҳақидаги маълумотлар ва уларнинг фотосуратлари вилоят Кенгаши биносининг ҳамма кўриши мумкин бўлган жойида махсус стендда жойлаштирилсин.

5. “Фахрий депутат” мақомига сазовор бўлган собиқ депутатларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 (беш) баробари миқдорида бир марталик тўланадиган пул мукофоти ҳамда вилоят Кенгаши доимий комиссиялари мажлислари ва бошқа тадбирларда иштирок этиш ҳуқуқи берилсин.

6. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ф.Маманов) ва вилоят Молия бош бошқармаси (Б.Хурсандов) вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси (А.Ахмедов) билан биргаликда:

навбатдаги халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида “Фахрий депутат” мақоми берилган депутатлар учун бир марта тўланадиган пул мукофотлари ва бошқа харажатларни маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни;

вилоят Кенгаши депутатларини бир йилда бир мартаба Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги Профилактика ва диагностика, санатор-курорт ва сихатгоҳларга дам олишларини ташкил этишни таъминласин.

7. Вилоят телерадиокомпанияси (Б.Мингбоев) ҳамда “Сурхон тонги” ва “Заря Сурхана” газеталари бирлашган таҳририятига (Х.Тангиров) ушбу қарорни оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти мудирини (С.Абдураимов) зиммасига юклатилсин.

9. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Кенгаш раиси



Bobolov T.A.

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг
2021 йил 6 июлдаги
VI-30-20-8-0-К/21-сон қарорига
1-илова



SERTIFIKAT

Xalq deputatlari Surxondaryo viloyati Kengashining

_____ yil _____ dagi _____ -son qaroriga asosan

"ADOLATLI DEPUTAT"

maqomiga sazovor bo'ldi

**Xalq deputatlari Surxondaryo
viloyati Kengashi raisi**

_____.____.____ йил _____-son

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг
2021 йил 6 июлдаги
VI-30-20-8-0-К/21-сон қарорига
2-илова



SERTIFIKAT

Xalq deputatlari Surxondaryo viloyati Kengashining

_____ yil _____dagi _____-son qaroriga asosan

"XALQPARVAR DEPUTAT"

maqomiga sazovor bo'ldi

Xalq deputatlari Surxondaryo

viloyati Kengashi raisi

__ . __ . ____ йил ____ -son

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг
2021 йил 6 июлдаги
VI-30-20-8-0-К/21-сон қарорига
3-илова



SERTIFIKAT

Xalq deputatlari Surxondaryo viloyati Kengashining

_____ yil _____dagi _____-son qaroriga asosan

"MEHNATKASH DEPUTAT"

maqomiga sazovor bo'ldi

Xalq deputatlari Surxondaryo

viloyati Kengashi raisi

__ . __ . ____ йил ____ -son

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг
2021 йил 6 июлдаги
VI-30-20-8-0-К/21-сон қарорига
4-илова



SERTIFIKAT

Xalq deputatlari Surxondaryo viloyati Kengashining

_____ yil _____dagi _____-son qaroriga asosan

" FAXRIY DEPUTAT "

maqomiga sazovor bo'ldi

Xalq deputatlari Surxondaryo

viloyati Kengashi raisi

__ . __ . ____ йил ____ -son